



Journal of Natural Sciences

№2
(2021)

<http://www.natsciences.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор4. Султонов М-к.ф.д, доц5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.6. Хакимов К –г.ф.н., доц.7. Азимова Д- б.ф.н.8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчиб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Sciences-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ
КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

Х.О. Пардаева, З.О. Собирова

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация. Мақолада фанни ўқитишда ахборот коммуникация ва педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тушунчалар таълим сифатини ошириш, талабаларнинг фаоллигини ўстириш, шунингдек ўзининг фикрини эркин баён қилишга, кўникма ҳосил қилиш ва уларнинг аҳамияти келтирилган.

Калит сўзлар: АКТ, БББ, интервью, инсерт, ахборот коммуникация, интерфаол педагогик технологиялар.

Аннотации. В статье обсуждается роль и значение информационных и коммуникационных технологий в преподавании естественных наук, повышении качества образования, повышении активности студентов, а также важность свободы выражения, формирования навыков и их значение.

Ключевые слова: АКТ, БББ, интервью, вкладыш, информационная коммуникация, интерактивные педагогические технологии.

Annotation. The article discusses the role and importance of information and communication technologies in the teaching of science, improving the quality of education, increasing the activity of students, as well as the importance of free expression, the formation of skills and their importance.

Keywords: АКТ, БББ, interview, insert, information communication, interactive pedagogical technologies.

Инсониятнинг тараққиёт йўлидаги муаммолари ечими илм-фанда эришилган ютуқларга нечоғли боғлиқ эканлигини мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланаётганлигидан ҳам билиш мумкин. Шунинг учун ҳам, юртимиз тараққиётида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ахборот коммуникацион технология (АКТ) ва педагогик технологияларни қўлланилиши фанни ўқитиш учун янги истиқболлар ва самарали ўқитиш имкониятларини очади. Шу билан бир қаторда мустақил равишда ўқиш қобилиятини ривожлантириш ахборот технологиялари билан ишлашда муайян саводга йўналтириб бунинг ўзи ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши учун зарур шароитдир. Дарсларда ахборот коммуникация ва педагогик технологиялардан фойдаланиш, интернет ресурсларини қўллаш орқали уй вазифаларни масофадан туриб ўқитувчи томонидан берилиши ва

Ўқувчи томонидан бажарилган вазифаларни текшириш мумкин. АКТ ўқув материалларини ўзлаштиришни назорат қилишнинг энг қулай усулидир.

Ахборот коммуникацияси ва интернет маълумотлари асосида ўқувчиларга амалий ҳамда лаборатория ишларини бажариб кўрсатиш натижасида ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқиши, кимёвий реакцияларнинг моҳиятини тушуниш даражаси, кимёвий жараёнлардаги маҳсулотларнинг сифат таркиби, фазовий тузилишини тўлиқ англай олиш имконияти ошиб боради.

Бугунги кунда дарс жараёнида ахборот коммуникацияларидан фойдаланишнинг аҳамияти ошиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, ахборот коммуникацияси ёрдамида ўқитишни мумкин қадар жадал суръатларда ҳаётга татбиқ этиш лозим. Замон билан ҳам нафас бўлган ёш кадрларни тайёрлаш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш, уларни дарс жараёнида фаол ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Фан-техника тараққий этиб борар экан, бу тараққиёт ютуқларидан самарали фойдаланиш, улар асосида ўтиладиган дарслар орқали юқори натижаларга эришишга ҳаракат қилиш зарур.

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида интерфаол педагогик технологиялардан узлуксиз ва узвийлик тамойили асосида фойдаланишга катта эътибор берилмоқда, чунки таълимнинг интерфаол тури оддий таълим жараёни таълим олувчида мустақил тафаккур ҳамда тезкор фаолиятни таркиб топтиришга хизмат қилади. Таълимнинг интерфаол методларидан ҳар бир босқичда ўқувчининг ўзига хос психологик хусусиятлари, тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш, аниқ бир ўқувчилар аудиториясининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш ўқитувчидан катта педагогик маҳоратни талаб қилади. Фаннинг дарс жараёнида ҳам ўқувчилар фаоллигини кучайтириш ва таълим сифати, самарасини ошириш мақсадида илмий педагогик изланишлар олиб бориш, ҳар бир таълим соҳаси олдида турган долзарб масалалар қаторига киради. Фанни ўқитишда *-Биламан, Билиши хохлайман, Билиб олдим (БББ), - Инсерт,* методларидан фойдаланиш талабаларнинг фикрлашдаги муаммоларини ҳал этиш, кўникмаларини ҳосил қилишга, кашфиётларга интилиш, ҳамкорлик ва шериклик сифатларини шакллантиришга, ўқитувчи томонидан берилган вазифаларини ҳал этиш режасини тузишга ва энг асосийси талабалар олдида қўйилаётган муаммони ҳал қилишга ва уни мустақил муҳокама қилишга ундайди.

-Биламан, Билиши хохлайман, Билиб олдим (БББ) методидида-Биламан сатрида талабалар органик кимё фанидан эгаллаган ва кўникма ҳосил қилган дастлабки

билимларини янги мавзу доирасида мустахкамлашга қўллаш имконини беради.

-*Билиши хохлайман* сатрида эса, талабаларда органик кимёга доир масалаларни, янги синтез қилинадиган маҳсулотлар технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни, улар асосида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар яратиш имконини беради. Бу сатрнинг афзаллик томони, талаба эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, органик хом ашё моддаларни ишлаб чиқаришни яна бошқа қандай технологиялар мавжудлигини мукамал билишни хохлаётганини билдиради ва ўқитувчи талаба эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кейинги дарсларида ушбу технологиялар ҳақида чуқурроқ тўхталиб ўтишга чорлайди.

-*Билиб олдим* сатрида талабалар янги мавзу бўйича ўзлаштирган билим, малакаларини кўникмага айлантиради. Ўқитувчи берилган мавзу бўйича талабаларга маълумотларни муваффақиятли етказиб берганини ушбу сатр орқали билиб олади. Бу эса, ўқитувчини янада ўз устида ишлаб, ўз камчилик ва ютуқларини талаба фикри орқали такомиллаштиради.

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли машгулотларни интерфаол метод ёрдамида ташкил этиш ҳисобланади. Фанни интерфаол таълим ёрдамида шакллантириш орқали ўқитувчи талабаларни қобилиятини ривожлантириш, мустақил ўз-ўзини назорат қила оладиган тенгдошлари билан фикр алмашиб бахслаша оладиган мустақил ҳамда танқидий фикрлаш таклифларни илгари суриш, фикр мулоҳазаларни эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, муаммони ечиминитопишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йўлдошев Ж.Ф., Усманов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш// -Тошкент.: Фан ва технологиялар, 2008. 132-134 б.
2. Интернет маълумотлари <https://www.youtube.com>